



# ТОШКЕНТ ОҚШОММИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 249—250 (12.060—12.061)

Баҳоси эркин нарҳда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Президентимиз Ислom Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда миллати, тиббий ва ижтимоий аҳволидан қатъи назар, ҳар бир ўғил-қизга алоҳида меҳр-эҳтибор кўрсатиш, уларнинг маънавий-жисмоний камолоти йўлида зарур шароит ва имкониятларни яратиш борасида кенг кўламли эзгу ишлар амалга оширилмоқда. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда ислоҳот, аввало, инсон манфаатлари ва ёшлар камолоти учун хизмат қилаётганининг ёрқин далилидир.

## Янги йил байрами шуқуҳи



## ЎЗБЕКИСТОН — БАХТИЁР БОЛАЛАР МАМЛАКАТИ

29 декабрь куни «Туркистон» саройида катта шоду хуррамлик билан бошланган «Президент арчаси» тантаналарида бу жиҳатлар яна бир бор ўз ифодасини топди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва «Sen Yolg'iz Emassan» Республика жамоатчилиги болалар жағфармаси ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тадбирга Тошкент шаҳридаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, махсус мактаб-интернатлар ўқувчилари, кам таъминланган ва алоҳида эҳтибоби оилаларнинг фарзандлари таклиф этилди.

Ёшларни ҳар томонлама соғлом, юксак маънавиятли, мустақил ва тeран тафаккур соҳиблари этиб вояга етказиш, уларнинг эзгу орзу-интилларида қанот бағишлаш ва уларни рўбга чиқариш Президентимиз Ислom Каримов томонидан юритилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишидир. Таълим, соғлиқни сақлаш, маънавий-маърифий соҳалардаги туб янгиланишлар миллимиз гeнофондини соғломлаштириш, ёшларни буюк аждодларимизга муносиб инсонлар этиб камолга етказишдек улғувор мақсадларга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизнинг барча гушаларида барпо этилаётган замонавий ўқув даргоҳлари, соғломлаштириш масканлари, болалар ижодиёти, «Баркамол авлод» марказлари ёшларга замон талабларига мос билим ва миллий қадриятларимизга мувофиқ тарбия бeриш, уларга ўз қизиқиши ва қобилияти бўйича касб-хўна ўргатиш, сeломатлигини мустаҳкамлаш, истеъдодини рўбга чиқариш имконини бeрмоқда. Бу борадаги барча ислохотлар халқаро микёсда алоҳида эътироф этилиб, жаҳоннинг кўлаб

давлатлари учун ибрат олишга арзиғулик андоза сифатида ўрганилмоқда. Янги 2012 йилнинг мамлакатимизда Мустаҳкам оила йили, деб эълон қилиниши бу йўналишдаги ишлар кўламини янада кенгайтиради.

Бу жараёнда ижтимоий-тиббий ҳолатидан қатъи назар, ҳамма болаларнинг ҳуқуқи ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, махсус таълим-тарбия масканлари фаолиятини янада такомиллаштириш, моддий-техник базасини янада яхшилаш — доимий эътиборда. Алоҳида эҳтибоби болаларга ижтимоий, тиббий, психологик, педагогик қўмак кўрсатишнинг янги-янги усуллари амалиётга кенг жорий этилмоқда. Бу эса уларнинг оилавий шароитга яқинлаштирилган самимий муҳитда тарбияланиши, онгу шурурида она Ватанга муҳаббат, миллий истиклол гeяларига садоқат, умробрқий қадриятларимизга ҳурмат, фидойилик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик каби олижаноб гeяларнинг мустаҳкам қарор топишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

«Туркистон» саройида жонажон Ўзбекистонимиз, истиклолимиз, ёш авлодга кўрсатилаётган чексиз меҳр ва ғамхўрлик, бетакор табиятимиз, кумуш қиш фаслининг ўзгача тароватини тараннум этувчи куй-кўшиқлар, шеърлар йилрайди. Турфа чироқлар, камалакранг беақлар билан яратилган улкан арча атрофида Қорбоб, Қорқиз, эртақ қаҳрамонлари жажжи болажонларни рақсга, топқирлик, зукколик, таъриқликка чорловчи қувноқ ўйинларга таклиф этди. Кичкинтойларнинг ҳайратга тўла бeғубор нигоҳи, қувноқ-шодон кулгиси байрамга янада завқ, жўшқинлик ва кўтаринки руҳ бағишлади.

— Тарбия масканимизда тўқсон нафар ўғил-қиз замонавий шароитларда ҳеч қимдан кам бўлмай вояга етмоқда, улар «Президент арчаси» тантаналарини жуда озиқиб қуттишди, — дейди Ҳамза туманидаги 30-Меҳрибонлик уйи директори Гулнора Ҳабибронова. — Болажонларимиз ҳар лаҳза Президентимиз кўрсатаётган юксак эътибор-ғамхўрлик ва ҳалқимизнинг меҳр-муҳаббатини ҳис қилиб улғаймоқда. Дунёда ўхшаши йўқ бундай байрамлар Ўзбекистонимизнинг чин маънода бахтли болалар мамлакатаи эканининг яна бир ёрқин далилидир.

— Бу байрам учун янги шеърлар, қўшиқ ва рақсларни ўргандим, — дейди 24-Меҳрибонлик уйининг тарбияланувчиси Зилола Алимова. — Дўстларим билан Қорбобдан соғва олдик. Президентимизнинг эътибори ва ғамхўрлиги биз учун энг қадрили соғвадир.

...Куй-қўшиқлар ажайиб томошаларга уланиб кетади. Эстрада, театр, рақс ва цирк санъати юлдузлари, болалар бадий жамоаларининг чиқишлари тадбирга янада файз, кўтаринкилик бахш этди.

Кичкинтойлар учун «Тошоша» болалар шoу-группи иштирокида «Бу сирли олам» махсус театрлаштирилган мусикали байрам дастури намойиш этилди.

Болаларга Президентимизнинг Янги йил соғвоналари топширилди.

Бундай тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ҳам бўлиб ўтмоқда.

Назoкат УСМОНОВА,  
ЎЗА муҳбири

## Н.НАВАРАТНА: «ЎЗБЕКИСТОНДА ОНА ВА БОЛАНИ ИЖТИМОЙ ЖИҲАТДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ МУКАММАЛ ТИЗИМИ ЯРАТИЛГАН»

Тошкентда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш миллий модели: «Соғлом она — соғлом бола» халқаро симпозиуми ҳамда мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганининг 19 йиллик байрами Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатия ваколатхоналари томонидан ўтказилаётган брифинг ва «давра суҳбат»лари чоғида атрофлича муҳокама қилинмоқда.

Жумладан, Саудия Арабистони подшоҳлигининг Жидда шаҳрида мамлакатимиз дипломатия ваколатхонаси томонидан мазкур халқаро симпозиум якунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллиги мавзуларига бағишланган давра суҳбати уюштирилди. Тадбирда Саудия Арабистони подшоҳлигининг давлат тизимлари, соғлиқни сақлаш, маданий муассасалари ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди.

«Давра суҳбати» қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси ўз мустақилигининг 20 йили мобайнида мамлакат Президенти Ислom Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида туб ислохотларни амалга оширгани ва бунинг мангикий натижаси ўларок, соғлиқни сақлашнинг самарали миллий модели юзага келганини қайд этдилар. «Буни оналик ва болаликни муҳофаза қилишда яққол кўриш мумкин», деган яқдил фикр тадбир чоғида бир неча бор тилга олинди.

Маълумки, мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасида қатор давлат дастурлари ҳаётга тадбиқ этилди. Улар доирасида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан аёллар сeломатлигини ҳимоя қилиш, тиббий муассасалар моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш, аёллар ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича халқаро мезёрларни амалиётга қўллаш, таъбат ходимларининг малакасини ошириш, шунингдек, оилада тиббий маданиятни такомиллаштириш юзасидан изчил чoра-тадбирлар кўрилатири. Булар, шубҳасиз, соғлом авлоднинг дунёга келиши ва баркамол вояга етишига, алал оқибатда миллат гeнофондини сақлаш ва яхшилаш, аҳоли умрини узайтириш ҳамда уларнинг ҳаёт тарзи сифатини оширишга қўмаклашиши алоҳида қайд этилди.

«Давра суҳбати»да Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишлаб 2011 йил 7 декабрда Тошкентда бўлиб ўтган тантанали маросим тафсилотлари ҳақида ҳам сўз борди. Унда Конституцияда ўз аксини топган тамаойиллар мустақил тараққиёт йиллари давомида эришилган улкан муваффақиятлар учун мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилгани алоҳида таъкидланди. Тадбир иштирокчиларининг фикр билдиришларига, Асосий қонун ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, инсоннинг ҳуқуқи ва эркинликлари устуворлиги, мамлакатда тинчлик ва ҳамжиҳатлик таъминланиши сингари юксак мақсадларга эришишнинг муҳим кафолатидир.

Тадбир чоғида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» давлат дастурини рўбга чиқаришнинг натижалари юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашувлар бўлиб ўтди.

Ушбу дастур асосида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш юзасидан мажмуавий чoра-тадбирлар қўлланилгани, бизнес аҳли учун қулай иш муҳити яратилгани, хусусий мулк аҳамияти ошгани, шунингдек, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя этишнинг ҳуқуқий асослари изчиллик билан такомиллаштирилаётгани алоҳида таъкидланди.

(Давоми 2-бетда)

## Тошкент шаҳар Кенгаши сессияси

### САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳрининг 2011 йил ижтимоий-иқтисодий ривожланишида қўтилаётган якунлар, мамлакатимиз Президенти томонидан белгилаб берилган иқтисодий ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари, тармоқларни ривожлантиришнинг муҳим мақсадли комплекс дастурлари ижроси юзасидан Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган ишлар ва 2012 йилда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Сессияни Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчи Раҳмонбек Усмонов олиб борди.

Сессияда шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида рўй бeраётган ижобий ўзгаришлар қайд этилиб, 2011 йил якунлари бўйича қўтилаётган натижалар таҳлилга кўра асосий макроеқтисодий кўрсаткичлар бўйича изчил ўсиш суръатлари таъминланди, кўзда тутилган прогноз параметрларининг бажарилишига эришилгани таъкидланди.

Жумладан, иқтисодий реал секторининг барча тармоқларида эришилган ижобий тенденциялар туфайли жорий йилда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг қарийб 12,5 фоизга ўсиши қўтилмоқда. Бундай иқтисодий ўсишнинг асосий омиллари сифатида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 10,8 фоизга, пудрат-қурилиш ишлари ҳажми 38,6 фоизга, чакана савдо айлан-

маси 10,3 фоизга ва умумий хизматлар ҳажми 18,4 фоизга ўсганлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Худудий тасарруфдаги корхоналар экспортида ҳам ижобий силжишлар кузатилиб ҳисобот даврида худудий корхоналар томонидан маҳсулотларни экспорт қилиш прогноз кўрсаткичи 146,8 фоизга бажарилди.

Ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолишда муҳим аҳамиятга эга. Бу вазифани бажаришда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури катта ўрин тутиб, жорий йилда Маҳаллийлаштириш дастурига 136 та худудий тасарруфдаги саноат корхоналари 328 та лойиҳалар билан жалб қилинган.

(Давоми 2-бетда)

## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Оммавий ахборот воситалари» тўғрисида ва «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунларнинг Андижон ҳамда Сирдарё вилоятларидаги ижроси таҳлил этилди.

● Мамлакатимизда анъанавий «Президент арчаси» байрами тантаналари бўлиб ўтмоқда. Фарғона Олимпия заҳиралари спорт коллежида ўтказилган ана шундай тадбирга Меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатларининг тарбияланувчилари, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган ҳамда кўп болали оилаларнинг фарзандлари таклиф этилди.

● Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия йиғилиши бўлиб ўтди.

● Жиззах вилоятининг Пахтакор туманида гўштни қайта ишлаш корхонаси ишга туширилди. Натижада 20 нафар йигит-қиз доимий иш билан таъминланди. Корхона «Харидор барак» хусусий фирмаси томонидан барпо этилди. У замонавий, универсал ва кўп функцияли технология билан жиҳозланган бўлиб, бир кеча-кундузда 2,5-3 тонна гўштни қайта ишлаш қувватига эга.

● Янги йил байрами арафасида Андижон вилояти «Лола» кўғирчоқ театри жамоаси томонидан намойиш қилинаётган «2011 йилнинг энг охири эртаги ёки Аломатхоннинг янги ҳангомалари» деб номланган томоша болажонларга олам-олам қувонч бахш этмоқда.

● Самарқанд шаҳрида вилоятдаги фермер хўжаликлари, соҳибдор ва озиқовқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан байрамолди савдо ярмаркалари ташкил этилди. Хусусан, Ургут ва Пайариқ туманлари фермерлари шаҳар аҳлини олма, узум, қовун, тарвуз ноз-неъматлари билан таъминлаётган бўлса, «Насиба парранда», «Охалик Ломанн парранда» сингари корхоналар байрам дастурхонида тухум ва пархез гўшт етказиб бeрмоқда.

● Гулистон шаҳридаги мусикали драма театрида «Тадбиркорлик — мустаҳкам оила пойдевори» мавзуда бизнес форуми бўлиб ўтди. Унда тижорат банкларининг вакиллари, тадбиркорлар ва ишбилармонлар иштирок этди. Анжуманда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес соҳасида Сирдарё вилоятида амалга оширилаётган ишлар атрофлича муҳокама этилди.

## ЖАҲОНДА

● Бразилия ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича Буюк Британияни қувиб ўтди ва дунёнинг иқтисодий бакуват мамлакатлари рўйхатида олтинчи ўринга кўтарилиб олди. Бунга у Хитой ва Шарқий Осиё давлатларида экспорт ҳажмини ошириш орқали эришди.

● Кеча Лондон хом ашё биржасида ўтказилган навбатдаги савдолар чоғида Brent русумли нефть нархи 0,45 долларга ошиб, бир баррели 108,01 долларни ташкил этди.

● Тува Республикасида 6,7 балли зилзила содир бўлди. Ер қимирлашининг маркази республика пойтахти Кизил шаҳридан 96 километр узоқликда қайд этилган. Зилзила оқибатида вайронаналар қузилмаган, қурбонлар ва жабрланганлар ҳақида маълумот йўқ. Зилзила таъсири Сибирнинг бир қатор шаҳарлари, жумладан, Томск ва Красноярскда ҳам сезилган.

● Туркия маъмурлари қурд исёнчиларига ҳаводан берилган зарбалар чоғида янглиш ҳолда 35 нафар бегуноҳ кишиларнинг ҳам ҳалок бўлганлигини тан олишди.

● «Екатеринбург» атом сув ости кема-сида рўй берган ёнғин боис ҳарбий прокуратура томонидан текшириш ишлари бошланди.

● 2012 йил 1 февраль куни футбол бўйича Англия терма жамоаси сардори Жон Терри устидан маҳкама жараёни бошланади. Бунга унинг «Куинз Парк Рейнджерс» клуби аъзоси Антон Фердинанди ирқий камситгани сабаб бўлди. Ушбу воқеа жорий йилнинг 23 октябрь куни улар тўп сураётган клублар ўртасидаги ўйинда келиб чиққан.







# «АГРОБАНК»

**очиқ акциядорлик  
тижорат банки**

Ўз АКЦИЯДОРЛАРИ ҳамда МИЖОЗЛАРИНИ,  
БАРЧА ҲАМЮРТЛАРИМИЗНИ  
кириб келаётган ЯНГИ 2012 ЙИЛ  
билан чин қалбдан табриклайди!

*Янги йилда барчангизга  
муштаҳкам соғлиқ,  
тинчлик ва хонадонингизга  
қут-барака тилаймиз!*

Байрам муносабати билан, Агробанк  
«Байрам тухфаси»,  
«Келажакка сармоя», «Барака»  
каби муддатли ва жамғарма омонат  
турларини таклиф этади.

*Агробанк омонатларида маблағингизни кўпайтиринг!*

Омонатга бўш пул маблағларингизни Агробанкнинг исталган филиалига  
қўйишингиз мумкин. Омонатлар бўйича ҳисобланган фоизли даромадингиз  
биринчи талабдаёқ берилади. Агробанк омонатларига қўйилган пул  
маблағлари декларация қилинмайди ҳамда омонатчи ва унинг  
пул маблағлари ҳақидаги маълумот банк сири ҳисобланади.

Хизматлар лицензияланган.

## РЕСПУБЛИКА БОЛАЛАР ҚУТЎБХОНАСИ ЖАМОАСИ

юртдошларимизни  
Муштаҳкам оила йили  
билан қизгин табриклайди!  
Кириб келаётган 2012  
йилда ҳар бир хонадонни  
меҳр-муҳаббат,  
шодлик ва осойишталик  
тарк этмасин.



**БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК  
БЎЛСИН, АЗИЗ ҲАМЮРТЛАР!**

2012

## ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ



Юртдошларимизни кириб келаётган янги —  
2012 йил билан чин дилдан қўтлайди.  
Муштаҳкам оила йилида хонадонларимиздан  
меҳр-оқибат, тоқувлик, файзу барака аринмасин.  
Ҳуронийларимизга узок умр, ёшларимизга бахт  
ва омад ёр бѐлишини тилаймиз.

Янги йилда қалбимиздаги эзгу  
ниятларимиз доимо ижобат  
бўлсин.



# ХАЛҚ БАНКИ

Давлат-тижорат Халқ банки  
Тошкент шаҳар филиали  
жамоаси

*ҳамшаҳарларимизни*  
кириб келаётган Янги - 2012 йил  
билан самимий муборакбод этади.

Янги йил барчамизга тинчлик омонлик,  
оилавий бахт ва дастурхонимизга  
қут-барака олиб келсин.

# «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»

ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ



“Ўзтемирйўлйўловчи”


очиқ акциядорлик жамияти жамоаси  
*Азиз пойтахтимиз*  
*меҳмонлари ва ҳамшаҳарларимизни*

*Янги 2012 йил*

БИЛАН САМИМИЙ ҚУТЛАЙДИ.

*Янги йилда омад ва ағло кайфият*  
*сизларни асло тарк этмасин.*

*Йўлларингиз ҳамша ойдin ва равон,*  
*дилингиз ёруғ ва равшан бўлсин!*



*Ҳурматли ҳамшаҳарлар*  
*ва пойтахтимиз*  
*меҳмонлари!*

Тошкент шаҳар  
Меҳнат Ва аҳолини  
ижтимоий  
муҳофаза қилиш  
бош бошқармаси

Сизларни Янги — 2012 йил билан чин  
дилдан қутлаётди!

*Ушбу йил ҳар бир хонадон ва ҳар бир*  
*оилага қувончу шодиёна, бахту саодат,*  
*хуш кайфият олиб келсин!*

Ҳамшаҳарларни бәрча туман бандликка кумаклашув ва аҳолини  
ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари кәсбга уқитиш, қәйтә  
тәйёрләшгә ҳамдә ишгә тәклиф этади:

- Бектемир тумани — 295-02-93,
- Миробод тумани — 254-49-21,
- Мирзо Улугбек тумани — 233-37-23,
- Сергели тумани — 258-63-84,
- Олмазор тумани — 248-53-78,
- Учтепа тумани — 274-44-57,
- Ҳамза тумани — 296-33-40,
- Чилонзор тумани — 276-19-97,
- Шайхонтоҳур тумани — 244-59-13,
- Юнусобод тумани — 235-02-96,
- Яккасарой тумани — 254-66-38

Хизматлар лицензияланган.

# «RUDOMAXYO'LOVCHIIYUKTRANS»

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

**АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗНИ**

*кириб келаётган Янги 2012 йил*  
*билан самимий қутлайди.*

*Қалбингиз қувончга,*  
*дастурхонингиз ноз-неъматга*  
*тўлиқ, ҳаётингиз фаровон,*  
*йўлларингиз равон, оилангиз тинч,*  
*бахтингиз тўқис бўлишини чин*  
*дилдан тилаб қолади.*

**2012 йилда барча орзу-тилакларингиз**  
**тўлиқ амалга ошсин.**



ХАҲАТЛИК ЭЛЕМЕНТАРЛАР

(Давоми. Боши ўтган сонда)

ЖУМА, 6

«Ўзбекистон»

5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00 «Илим» 7.05 «Олам ва одам» дастури...

«Спорт»

6.00 «Хайри тоғ!» 6.05 АНОНС. 6.10 «Саломат бўлинг!» 6.30 «Шикоят»...

«Ёшлар»

6.00 «Ватан меҳри» 6.10 «Ош бўлсин!» 6.40 «Жаҳон мусикаси» 7.20 «Рўзгор мактаби»...

«Тошкент»

6.00 Кўрсатувлар тартиби. 6.05 «Кечинмалар» 6.20 «Фазал бустони» 6.25 Миллий сериал: «Ўзи уйланмаган соғин»...

09.00, 11.00 Новости. 09.25 Смак. 10.00 «Чудеса» 11.15 Модный приговор. 12.10 Сериал «Не плачь по мне»...

Россия

05.35 Людмила Гурченко, Сергей Филиппов, Георгий Вицин, Юрий Никулин и Михаил Пуговкин в комедии «Девушка с гитарой»...

«Тошкент»

6.00 Кўрсатувлар тартиби. 6.05 «Пойтахт йўлларида» 6.20 «Анонс» 6.25 Миллий сериал: «Ўзи уйланмаган соғин»...

НТВ

03.00 Детское утро на НТВ. Мультифильм «Приключения пингвиненка Лоло» 03.40 «Нежность» из документального цикла «Снеги в СССР»...

ШАНБА, 7

«Ўзбекистон»

5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00 «Анчик ёлгон» Т/с. 8.00 «Ахборот»...

ЯҚШАНБА, 8

«Ўзбекистон»

5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00 «Анчик ёлгон» Т/с. 8.00 «Ахборот»...

ntf

06.30 Мўмтоз наволар 07.00 «Жаҳон кайфияти» байрам сони 08.00 «Бошлар худуди» информация блок...

Первый канал

04.35, 05.10 Худ. фильм «Настя» 05.00, 09.00, 11.00 Новости 06.15 Худ. фильм «Кадриль»...

Россия

05.30 Евгений Киндинов, Армен Джигарханян, Ирина Морозова и Татьяна Пельтцер в фильме «Молодые», 1971г. 07.15 Лидия Вележева, Ольга Прокофьева, Татьяна Кравченко, Анатолий Лобозиков, Михаил Жигалов и Владимир Носик в телесериале «Пончик Люся»...

НТВ

03.40 Детское утро на НТВ. Мультифильм «Ну, погоди!» 03.50 «Песня мушкетеров» из документального цикла «Снеги в СССР»...

ЯҚШАНБА, 8

«Ўзбекистон»

5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00 «Анчик ёлгон» Т/с. 8.00 «Ахборот»...

ntf

07.00 Мўмтоз наволар 07.30 Информацион блок 08.00 «Бошлар худуди» информация блок...

Первый канал

05.00, 09.00, 11.00 Новости 05.10 «Как стать здоровым и богатым» 06.00 Худ. фильм «Приключения Синдбада»...

Россия

05.30 Александра Захарова в фильме «Тонкая штука», 2011г. 07.15 Лидия Вележева, Ольга Прокофьева, Татьяна Кравченко, Анатолий Лобозиков, Михаил Жигалов и Владимир Носик в телесериале «Пончик Люся»...

НТВ

03.40 Детское утро на НТВ. Мультифильм «Ну, погоди!» 03.50 «Песня мушкетеров» из документального цикла «Снеги в СССР»...

ЕНГИЛ ТАКСИДА ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Енгил таксида йўловчи ташиш фаолияти билан қўний шугулланиш истагини тадбиркорларни «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси тизимидаги ихтисослашган такси саройларига ишга таклиф этамиз.

Такси саройларида автомобилларни техник назоратдан ўтказиш жойлари, таъмирлаш устаноналари, ювиш ва сақлаш жойлари, йўналишга чиқишдан олдин тиббий кўрик, нозимлик хизматлари ташкил этилганлиги билан бирга, енгил автомобилларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги «Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 139-сонли қарори талаблари асосида жиҳозлаш борасида барча имкониятлар мавжуд.

Ўзингизни қизиқтирган саволлар бўйича қуйидаги телефонлар муҳожаат қилишингиз мумкин:

«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси тел.: 233-51-47 «Тошавтобустранс» АК тел.: 234-90-36 «Чуқурсой автокорхонаси» МЧЖ тел.: 248-05-56 «Интер-транс-сервис» ҚҚ ОАЖ тел.: 272-89-47, 272-68-52 «Махсус тажриба автокорхонаси» МЧЖ тел.: 290-70-17 «Тўртинчи автохизмат» МЧЖ тел.: 263-38-80 «5-такси саройи» МЧЖ тел.: 280-60-54





Янги йил қувончи



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ШАРҚ ҲИКОЯТ ВА РИВОЯТЛАРИ

Қадим замонда бир серфарзанд киши бола-чақасини қалин тўқайзор ичидаги капасида қолдириб, ўзи шаҳарда, бир бойнинг эшигида ишлар, шундай қилиб, базўр рўзғор тебратар экан. Бировнинг қўлидаги оғир меҳнатдан чарчаб-толиқиб, шунда ҳам болаларининг қоринини тўйдиролмай боши қотиб юрганида, аллақандай тоғ этагида олтин бор эмиш деган гапни эшитиб қолибди-да, ўша тарафга йўл олибди. Рўзғор тебратиш ўн икки яшар тўнгич ўғлининг гарданига тўшибди. У укалари билан бирга ертўла ёнидаги тўқайдан ўтин йиғиб, аввалига яқинроқ уйларга олиб бориб сотиб, жамғарган пулига эшак сотиб олибди. Кейин ўша эшак билан ўтинни шаҳарга олиб бориб сотадиган бўлибди. Ўтин чопиш баробарида тўқайнинг бир чеккасидан кундаю томиларини тозалаб бораверибди. Эрта баҳорда омов, хўкиз ва уруглик сотиб олиб, ўша очилган ерга бугдой экибди. Бугдой беҳато қўқариб, кузда ўзи бугдой сотиш даражасига етишибди.

Ота ўша кетганича уч йилча оворою сарсон бўлиб, ҳеч қаердан олтин тополмай, бироқ уйига икки қўлни бурнига тикиб бўш қайтишга юзи чидамай, шаҳардаги бир бойдан озгина қарз сўраш учун кетаётди қарасаки, ўғли бир қўчада қоп тўла бугдой сотиб турганимиш. Ажабланганча, унинг қўлидан ушлаб:

— Бу қанақаси, ўғлим?.. — деб сўрабди. Бола бор гапни айтиб берибди. Ана шунда ота аввалига: «Ие, олтин шундоққина уйимизнинг ёнида ҳам бор экан-ку!» — дея беихоҳай ҳайратга тушибди. Кейин ўғлига эргашиб уйига қайтибди-да, янги ер очиб, даласини кенгайтиришга киришибди.

Қадим замонда тугма кўр бир болакай бўлган экан.

Кунлардан бир кун у нимагадир қоқилиб йиқилибди. Нимага қоқилганини билиш учун пайпаслаб қараса, ярми ерга кўмилган тошдек оғир бир нарса экан. Базўр кўтариб, ёнидан ўтиб бораётган одамдан:

— Манови нима? — деб сўрабди. — Ие, олтин-ку! — дебди ўша одам ҳайратланиб. — Ма, сен ола қол! — дебди болакай. — Ие, сен ҳали олтиннинг нималигини билмайсанми? — деб сўрабди нотаниш киши баттар ҳайратга тушиб.

— Олтин ҳақида кўп эшитганман, унинг нималигини яхши биламан. Бироқ, бу олтин меники эмас, — дебди бола. Ўловчи инсоф-диёнатли одам экан:

— Олтиннинг ўзинга буюрсин, — деб йўлида давом этибди.

Бола ҳайрон бўлиб: — Ҳеч олтин йўқотган борми? — жар солибди. Ҳеч ким индамабди. Уйига боришга ота-онасининг ёлғонидан кўрқиб, олтинни тўппа-тўғри қозига обориб топширибди.

Ўша куннинг эртасига бола уйқудан уйғонса, кўр кўзлари очилганмиш...

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

(Давоми бор)

Спорт янгиликлари

ОДИЛ АҲМЕДОВ — ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ФУТБОЛЧИСИ

Ўзбекистон футбол федерацияси ташаббуси билан 2011 йилнинг энг яхши футболчиси ва мураббийсини аниқлаш мақсадида оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида уюштирилган сўровнома яқунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Ўзбекистон футбол федерациясининг расмий сайти орқали декабрь ойида ўтказилган ушбу сўровда 100 нафардан зиёд оммавий ахборот воситалари ходимлари уч нафар мураббий ва футболчига овоз берди. Ўзбекистон футбол федерацияси томонидан 2011 йилнинг ҳисобот-конференцияси ва турли номинациялар бўйича уюштирилган тақдирлаш маросимида йиғилганлар мамлакатимиз футбол тараққиётга юз бурганлигини, бунга ўтган 2011 йилда миллий ва олимпия терма жамоаларимиз, ўсмирлар, ёшлар терма жамоаларимиз ҳамда етакчи клубларимизнинг халқаро миқёсдаги учрашуларда эришган ёрқин галабалари сабаб бўлганлигини таъкидлашди.

Сўровнома яқунларига кўра Ўзбекистон миллий ва олимпия терма жамоалари бош мураббийси Вадим Абрамов «Йилнинг энг яхши мураббийси» номинациясида биринчи ўринга, Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси бош мураббийси Алексей Евстафеев иккинчи ўринга, «Насаф» клуби бош мураббийси Анатолий Демьяненко учинчи ўринга лойиқ деб топилди.

«Йилнинг энг яхши футболчиси» номинациясида эса Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, Россиянинг «Анжи» клуби ярим ҳимоячиси Одил Аҳмедов етакчилик қилган бўлса, Ўзбекистон миллий терма жамоаси сардори Сервер Жепаровга иккинчи, моҳир ҳужумчи Александр Гейнрихга учинчи ўрин насиб этди.

Ҳакамлар орасида Осиеда тенгсиз деб ҳисобланаётган ФИФА рефериси Равшан Эрматов мамлакатимизнинг энг яхши ҳаками деб эътироф этилди.

Шунингдек, «Бунёдкор» жамоаси футболчиси Милош Трифуновичга «Энг яхши тўпурар» номинацияси соврини топширилган бўлса, «Халол ўйин» номинациясида «Сўғдийна» жамоаси биринчи ўринни эгаллади.

Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзолари Давлат Ербеков, Бобур Давлатов, Темура Ҳакимов «Энг яхши ёш футболчи», Алексей Евстафеев «Энг яхши болалар ва ўсмирлар мураббийси» деб тан олинди.

Ҳали ва совриндорлар муносиб тақдирланди. Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ХАЛҚАРО ТУРНИР ШОҲСУПАСИДА

Озарбойжон пойтахти Боку шаҳрида бокс бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда етти мамлакатдан юз нафарга яқин боксчи ўн вазн тоифасида голиблик учун куч синашди.

60 килограмм вазн тоифасидаги беллашуларда кўплай мухлис мутахассислар эътибори ўзбекистонлик боксчилар — Алиёр Норалиев ва Элнур Абдураҳмонов иштирокидаги жангларга қаратилди. Бу йил ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида голиб чиққан иқтидорли спортчимиз Алиёр Норалиев Бокудаги турнирда россиялик Кристиан Степановни 7:6, озарбойжонлик Фарид Исмоиловни 8:5, украинлик Илья Половинкани 12:11 ҳисобида мағлубиятга учратиб, финалга чиқди. Кучли техника, мустақам ҳимоя ва тезкор зарбага эга Элнур Абдураҳмонов ҳам мезбонлар вакили Телман Гафарли, қозғистонлик Абилай Алихонов ва ҳиндистонлик Рохит Токас устидан зафар қучиб, олтин медаль учун Алиёр Норалиев билан беллашадиган бўлди.

Икки ўзбек боксчиси ўртасидаги ҳал қилувчи баҳсда Алиёр 17:10 ҳисобида галаба қозониб, шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Элнур эса қумуш медаль билан тақдирланди.

Халқаро турнирда ўз вазн тоифасида учинчи ўринни эгаллаган Анвар Туропов ва Акмалбек Қосимов Ўзбекистон терма жамоаси ҳисобида биттадан бронза медаль қўшди.

Зоҳир ТОШХҲҲАЕВ, ЎЗА шарҳловчиси

Пойтахтда бадий гимнастика бўйича «Қор парчаси — 2011» республика турнири бўлиб ўтди.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ўтказиб келинаётган маъруза турнири ёш авлоднинг баркамол этиб тарбиялаш, улар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш, иқтидорли ёш бадий гимнастикачиларнинг маҳорати ва таърибасини ошириш, янгидан-янги истеъдод эгалларини кашф этишга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда навқирон авлоднинг жисмонан соғлом, маънан етук, қомил инсонлар этиб тарбиялаш давлатимиз раҳбари юритаётган оқилона сиёсатнинг муҳим йўналишидир, — дейди «Туркистон пресс» муҳбирига халқаро тоифадаги ҳакам Камилла Тўхтаева.

Фарзандларимизнинг ҳам жисмоний, кизларга мос турларини, жумладан, бадий гимнастикани жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётган. Бадий гимнастикада жисмоний тарбия, спорт, мустика ва санъат каби фарзанд тарбиясида муҳим аҳамият касб этадиган воситалар муҳимасам.

ГЎЗАЛЛИК ВА НАФОСАТ ТАНТАНАСИ

Ҳам маънавий камолотига хизмат қилётган болалар спортини ривожлантириш, уларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун етарли шарт-шароитларни яратиб борасидаги кенг қўламли ишлар ўзининг самарасини бераётди. Бу жараёнда спорт-

нинг кизларга мос турларини, жумладан, бадий гимнастикани жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётган. Бадий гимнастикада жисмоний тарбия, спорт, мустика ва санъат каби фарзанд тарбиясида муҳим аҳамият касб этадиган воситалар муҳимасам.

Бу йилги мусобақада 2000-2006 йилларда туғилган кизлар голиблик учун куч синашди. Юз нафарга яқин киз иштирокида кескин ва муросасиз курашлар остида ўтган мусобақа якунига кўра, Дилдора Ҳайтова, Виктория Хван, Татьяна Ким, Нигина Хушвақтова, Оксана Юткина, Айде Гасанова, Елена Ким, Хонзода Раҳматжонова, Назира Асророва, Мехрибону Шоназарова, Лола Зокирова, Диана Абдувоҳидова каби бадий гимнастикачилар ўз тенгқурлари ўртасида юқори натижаларни қайд этди.

— Олти ёшли қизим Шаҳруза икки йилдан буён бадий гимнастика билан мунтазам шуғулланиб келаяпти, — дейди чирчиқлик Камола Тоғаева. — Бу спорт тури менга жуда ёқади. Бадий гимнастика билан шуғулланиш асосида қизимнинг қомати ҳам тик бўлиб, ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб вояга етаяпти.

Азима ҚИЁСОВА

Мана, янги 2012 йил ҳам эшик қоқиб кириб келяпти. Янги йил байрами ва у билан боғлиқ турли қизиқарли мўъжизаларни билишни хоҳлайсизми?..

БИЛАСИЗМИ?

Янги йил мўъжизалари

- Янги йил кечаси юлдузлар чарақлаб турса, шу йил яхши келади.
• Янги йил баҳор сари бурилишидир.
• Январнинг илк куни қандай бўлса — ёзининг биринчи куни ҳам шундай бўлади.
• Янги йил кечаси ҳаво очик бўлса — бутун йил ажойиб келади.
• Йилнинг биринчи куни қувноқ ва бахтиёр ўтадиган бўлса, йил давомида хурсандчилик ҳамроҳ бўлади.
• Янги йил кечаси қаттиқ совуқ ва қор бўлса, галла ҳосили мўл бўлади.
• Янги йил куни қаттиқ шомол бўлса, кузда ёнғоқдан мўл ҳосил кутаверинг.
• Янги йил омадли келиши учун уни тўқин дастурхон ва хур-

сандчилик билан кутиб олиш керак.

- Янги йил дастурхони қанчалик тўқин-сочин бўлса, оилада шу йил ризқ-рўз шунчалик мўл-кўл бўлади.
• Янги йилни ким бўш ҳамён билан кутиб олса, бутун йилни камхаржликда ўткази.
• Шу куни қарзни тўлаб бўлмайди, акс ҳолда йилни қарз тўлаб ўтказасиз.
• Янги йилда уйингизга меҳмон келса, йил бўйи меҳмон кутасиз.
• Шу куни кўп аксириш — ўз омадида ишора: бутун йил бахтли ўтади.
• Янги йилда қандайдир янги кийим кийсангиз — йилнинг омадли кечаси.

БАЙРАМ ДАСТУРХОНИНГИЗГА

Азиз уй бекалари! Байрам албатта турли ширинлик ва пишириқларсиз, салатларсиз ўтмайди. Қуйида биз дастурхонингизга безак бўлувчи «Олтин балиқ» салати ва «Киевча» тортни пишириш бўйича шингил маслаҳатни бериб ўтмоқчимиз.

«КИЕВЧА» ТОРТ

Хамирига 3 дона тухум, 1 стакан шакар, 200 грамм юмшатирилган сариеғ ёки маргарин, 2 чой қошиқ разрихлитель, 2-2,5 стакан ун солинади. Шунда хамир юмшоқ ва нафис бўлиб, 3 қатлам (корж) чиқади.
Безе: 3 дона тухумнинг оқи, 1 стакан шакар, 1 стакан ёнғоқ, Учта тухум оқи 1 стакан шакар билан кўпиртирилади. Хамирни ёйиб, кўпиртирилган тухум оқи суртилади ва юзига майдаланган ёнғоқ сепилади. Шундай қилиб учта қатлам пиширилади.
Крем: 150-200 грамм сариеғ, бир банка қайнатилган ёки қайнатилмаган қуйилтирилган сут. Сариеғ қуйилтирилган сут билан кўпиртирилади, таъбга кўра ёнғоқ қўшиш мумкин. Юқори қатламнинг устига крем суртилмайди. Қолипнинг диаметри 26 см.

«ОЛТИН БАЛИҚ» САЛАТИ

Керакли масалликлар: 2 дона қайнатилган картошка, 1 дона қайнатилган сабзи, 2 бош пиёз, 1 банка шпрот балиғи, 1 банка консерваланган жўхори, 1 дона қайнатилган тухумнинг оқи (безак учун), майонез, туз.
Тайёрланиши: картошка, сабзи майда қирғичдан чиқарилади. Пиёз тўртбурчак шаклида тўғралади. Шпрот балиғи яхшилаб майдаланади (ёғи солинмайди). Ликопчага салат баргларидан солиб, майдаланган маҳсулотни балиқча шаклида жойлаштирилади, ҳар бир қаватига туз ва майонез суртилади. Устки қаватига эса жўхори терилади, бош қисми қирғичдан чиқарилган тухум билан безатилади. Думи ва сузгичлари картошка чипсидан, оғзи помидордан, кўзи мурчдан ясалади.
Ёқимли иштаҳо.
Дилноза ИНОҲОМОВА тўплади



Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563 ISSN 2010-9229

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 4 босма табақ, офсет усулида босилади. 2734 нусха босилади. Қозғоқ белими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити» — 233-74-05 телефониغا мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Нашр учун масъул Марҳум Д. Исроилов

«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.